


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 28 декабрь, № 270 (7228) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ, ТУРКМАНИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 декабрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилаклар билдирдилар.

Ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди, 2018 йилда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш якунлари сарҳисоб қилинди, кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлашнинг истиқболли йўналишлари ва аниқ лойиҳалари кўриб чиқилди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан мулоқотда давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этдилар.

Россия Федерацияси Президентининг жорий йил октябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, уни аниқ амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Барча даражада жадал ва изчил алоқалар йўлга қўйилгани, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият юритаётгани қайд этилди.

Ҳудудлар ва бизнес даражасидаги мулоқот фаоллашди. Жорий йил кузида Тошкент шаҳрида ўзаро муносабатлар тарихида илк бор ҳудудлараро ва таълим форумлари ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришда "яшил йўлак" жорий этилди. Мамлакатимизда, жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа кўплаб тармоқларда Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Апрель ойида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ишга туширилди, октябрь ойида яна бир ғоят муҳим лойиҳа — Ўзбекистондаги биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳасига старт берилди.

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида, жумладан, мамлакатимизда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини очиш бўйича қўшма дастурлар амалга оширилмоқда.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан мулоқотда 2018 йил қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш даври бўлгани алоҳида таъкидланди.

Президент Гурбангули Бердимуҳамедовнинг жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга самарали давлат ташрифи ҳамда август ойида Аваза шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммити доирасидаги учрашувларнинг амалий натижалари икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий шериклик ривожига янги суръат бағишлади.

Тошкент ва Ашхободда миллий кўргазмалар ва ишбилармонлик тадбирлари муваффақиятли ўтказилгани, Ишбилармонлар кенгашининг ташкил этилгани товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперацияни кенгайтиришга хизмат қилди.

Давлат раҳбарлари минтақанинг транзит салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган лойиҳаларни илгари суриш муҳимлигини ҳамда фаол ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алоқаларни изчил давом эттириш тарафдори эканини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан мулоқотда давлат раҳбарлари Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинган 2018 йилда икки томонлама муносабатлар янги суръат, сифат ва мазмун касб этганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришнинг таъсирчан механизмига айланган Ҳукуматлараро қўшма комиссия доирасидаги учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда. Ноябрь ойида биринчи Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми муваффақиятли ташкил этилди.

Ўзаро савдо ҳажми юқори суръат билан ортмоқда, машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат саноати, туризм, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар алмашувлар жадаллик касб этгани қайд этилди.

Бугунги кунда 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида кўплаб йирик тадбирлар ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан суҳбатда олий даражадаги жадал мулоқотлар, ўтган йил кузида Анқарага ва жорий йил баҳорида Тошкентга ўзаро тарихий ташрифлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани таъкидланди.

Сиёсий соҳада конструктив ҳамкорлик ривожланмоқда, парламентлараро мулоқот фаоллашди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник ҳамкорлик кенгаймоқда. Экспорт ва импорт ҳажми жадал ортмоқда. Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида шаҳар, транспорт-логистика ва туризм инфратузилмаларини модернизация қилиш, мамлакатимизда замонавий саноат корхоналари барпо этиш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани, шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Якунда давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Президентлар Янги — 2019 йилда мамлакатларимиз халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2019 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ҲАМДА 2020-2021 ЙИЛЛАРГА БЮДЖЕТ МЎЛЖАЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида" 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида" 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сонли қарорларини бажариш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2020-2021 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун консолидациялашган бюджети жамланма параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети асосий параметрлари 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси), Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасининг 2019 йил учун асосий параметрлари 4 — 6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2019 йил учун:

ягона солиқ тўлови ставкалари 7-иловага мувофиқ;

ягона ижтимоий тўлов ставкалари 8-иловага мувофиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари 9-иловага мувофиқ;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, имзоланадиган бонус ва тижоратбоп топилма бонуси, айрим турдаги маҳсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи ставкалари 10 — 13-иловаларга мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 14 — 16-иловаларга мувофиқ;

келиб тушаётган маблағларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказган ҳолда ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишда автотранспорт воситаларининг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар ҳамда хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзити учун йиғимлар ставкалари 17-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб:

ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдорлари;

юк ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун, солиққа тортиш тизимидан қатъи назар, битта транспорт воситасига ҳисоблаганда улар томонидан тўланаётган солиқларнинг жами миқдори якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги тартиб бекор қилинсин.

4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ёки ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан тўлиқ озод қилиш кўринишидаги вақтинчалик имтиёзларга эга бўлган юридик шахслар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини имтиёзлар амал қилиш муддати тугагунга қадар икки баравар пасайтирилган ставкада тўлаш тартиби сақлаб қолинсин.

5. Ўрнатилсинки, белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади. Ушбу бадал миқдори жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 0,1 фоиз миқдорида ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига зарур ахборотларни тақдим этган ҳолда ишчи-солиқ тўловчининг ҳисобини якка тартибда олиб боришни назарда тутиб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўловнинг ягона солиқ ҳисоботи шаклини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслар хизмат кўрсатувчи банклардан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун пул маблағларини олишда (ёки пластик карталарга ўтказишда) ягона ижтимоий тўлов ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш бўйича тўлов ҳужжатларини тақдим этиши лозимлиги назарда тутилсин.

7. Иш берувчи ташкилотларга солиқ юкининг, шу жумладан, ягона ижтимоий тўловнинг камайтирилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан ходимлар иш ҳақи миқдорини ошириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш фондини асоссиз пасайтириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мониторингини амалга оширсин.

Солиқ тўловчилар 2019 йил 1 апрелга қадар ходимлар сони ва (ёки) меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ихтиёрий равишда ҳисоботларда расмийлаштирган ва акс эттирган тақдирда аввалги ҳисобот даврларида ходимлар сонини яширганлик учун жавобгарликдан, илгари кўрсатилмаган ходимлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлови суммасини қўшимча ҳисоблашдан озод қилинсин.

8. 2019 йил 1 январдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказилади;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинади;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2019 йил 1 февралга қадар якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартибини тасдиқласин.

9. Қуйидагилар:

а) 2019 йил 1 январдан:

бир вақтнинг ўзида мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақини ойига 2000 сўмга пасайтириш ҳамда маблағларни 18-иловага мувофиқ нормативларга асосан тақсимлаган ҳолда кўрсатилган хизматларнинг умумий қийматидан 15 фоиз ставкада мобиль алоқа хизмати учун акциз солиғи;

бир вақтнинг ўзида полиэтилен гранула бўйича қўшимча фойда солиғини бекор қилган ҳолда 25 фоиз миқдоридаги полиэтилен гранулаларга акциз солиғи;

б) 2019 йил 1 мартдан қатъий белгиланган солиқ билан бир қаторда адвалор ставканинг киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган сигареталарга акциз солиғининг аралаш ставкаси киритилсин.

2019 йил 1 июлдан алкоголь ва тамаки маҳсулотларига белгиланган ставкаларни қўшимча равишда 20 фоизгача оширган ҳолда 2019 йил учун акциз солиғига тортиладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарларга (хизматларга) акциз солиғи ставкалари 19-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, 2019 йил 1 июлдан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олувчилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланмайдиган етказиб берувчилардан олинган ҳисоб-фактуралар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бунда, солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти орқали реал вақт режимида аниқланади.

11. 2019 йил 1 январдан:

цемент ва клинкер учун қўшимча фойда солиғи;

фойдали хизмат муддати тугаган, тўлиқ эскирган ускуналардан фойдаланиш учун тўлов бекор қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи тўловчиларнинг тўлиқ қамраб олиниши ва уларнинг ҳисоби аниқ юритилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

Давлат солиқ хизмати органлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботларини тузишда хўжалик субъектларига кўмаклашсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда 2019 йил 1 майга қадар иккинчи ва ундан кейинги уй-жой фонди объектлари, шунингдек, дала-ҳовлилари учун жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқнинг оширилган ставкаларини киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. 2019 йилда ягона ер солиғи тўловчилар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолиниши маълумот учун қабул қилинсин.

2019 йил 1 январдан, тажриба тариқасида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд қилинган суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар учун мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ундириладиган ягона ер солиғининг базавий ставкалари 20-иловага мувофиқ киритилсин.

14. 2019 йил учун маҳаллий йиғимларнинг чегараланган ставкалари 21-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва "Солиқ хизмати" ДУК билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар фермер хўжаликларига бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизмат кўрсатиш учун махсус дастурий маҳсулотни ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, фермер хўжаликларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин.

23. Қарзни ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари 23-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

24. Мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадларни солиққа тортиш шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, лекин:

юридик шахслар учун — давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан;

мол-мулкини ижарага берувчи жисмоний шахслар учун 24-иловага мувофиқ белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда белгилансин.

25. Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши, шунингдек, ягона солиқ тўлови таркибининг ўзгариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг:

а) 2019 йил 1 январдан:

ижтимоий соҳа муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш функцияларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини;

соҳани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, магистрал (вилоятлараро) коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича буюртмачи функцияларини Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги зиммасига, мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш функцияларини эса Молия вазирлиги зиммасига юклаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини;

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастурини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харажатларни алоҳида сатрда кўрсатган ҳолда молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармасини тугатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (кейинги ўринларда — Республика йўл жамғармаси)ни Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфига ўтказиш ҳамда:

йўл хўжалиги соҳасидаги қурилиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш, шунингдек, автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, унинг ҳудудий бош бошқармалари, туман йўллардан фойдаланиш корхоналари, йўллардан мунтазам фойдаланиш корхоналари, кўприклардан фойдаланиш корхоналари, Республика йўл жамғармаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини сақлаш функцияларини Молия вазирлиги зиммасига юклаш;

бошқарув ходимларининг чекланган сонини 9 бирликдан иборат этиб белгилаган ҳолда Республика йўл жамғармасини йўл хўжалиги соҳасида халқаро молиявий институтлар, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ижрочи орган сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

26. Белгилансинки:

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармасига 2019 йил 1 январдан кейин тушадиган мажбурий ажратмалар суммаси тўлиқ миқдорда Пенсия жамғармасига ўтказилади. Ушбу тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммалар Пенсия жамғармасидан тўланади;

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармасининг (ходимларни моддий рағбатлантириш махсус ҳисоб рақамидан ташқари) 2018 йил якуни бўйича қолдиқ маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилади ҳамда якунланмаган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади;

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармаларининг 2019 йил 1 мартгача бўлган давр учун ходимларига тўланадиган иш ҳақи, компенсация тўловлари ва бошқа харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармаси томонидан аввал жалб қилинган хорижий кредитларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қайтарсин;

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармасининг харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари вазифа жиҳатидан таснифининг тегишли тармоқлари бўйича акс эттирсин.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ ЕТИШТИРИШДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ОИД КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўрилди.

2008 — 2017 йиллар мобайнида Давлат бюджетидан 2 172,8 километр ирригация тизимлари, 368,8 километр лотокли суғориш тармоқлари, 347 дона гидротехник иншоотлар, шунингдек, 83,7 куб м/сек. умумий сув узатиш ҳажмига эга бўлган насос станциялари, умумий ҳажми 1 581,3 миллион куб/м. бўлган сув омборлари ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун 3,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, бунинг натижасида 1,7 миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилашга эришилди.

Бундан ташқари, ушбу давр ичида мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига 2,5 триллион сўм ажратилиб, 2,5 миллион гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига, ер ости сувларининг барқарорлиги таъминланишига ва меъёрда ушлаб турилишига эришилди.

(Давоми 4-бетда).

Эътироф

## Президент Шавкат Мирзиёев Туркияда «Йилнинг хорижий давлат арбоби» деб топилди

*Туркиядаги нуфузли "Turcomoney" нашрининг йиллик рейтингида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Йилнинг хорижий давлат арбоби", дея эътироф этилди. Бу ҳақда Истанбул шаҳрида Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим, Истанбул шаҳри ҳокими Мевлют Уйсал, мамлакат ҳукумати, парламенти, жамоатчилик ва ишбилармон доира вакиллари иштирокида ўтказилган тантанали маросимда эълон қилинди.*

turcomoney

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг ташқи дунё, Туркия ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини сезиларли даражада мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари ҳамда муҳим амалий ҳиссаси, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида ва унинг атрофида ҳамкорликни сезиларли даражада жонлантиргани учун ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлди.

Юртимизнинг Туркиядаги элчихонаси маълумотларига кўра, ушбу рейтинг икки асосий ("Йилнинг хорижий давлат арбоби" ва "Туркиянинг атоқли давлат арбоби") ҳамда олтита соҳавий номинация бўйича ўтказилади. Ҳайъат қарорлари Туркия ва чет эллик таниқли сиёсатчилар ҳамда ишбилармонлар фаолиятини кузатиб бориш ва ўрганиш асосида қабул қилинади. Улар "Turcomoney" журнали мутахассислари, мамлакат ҳукумати ҳамда парламенти аъзолари, минтақалар вакилларидан иборат.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Президентининг халқаро майдондаги сиёсий фаолияти, хорижий давлатлар раҳбарлари билан учрашувлари ҳақида қисқа видеоролик ҳам намойиш этилди.

Йиғилиш иштирокчилари номидан Бинали Йилдирим мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон, Марказий Осиё, Туркия ва халқаро ҳамжамият олдида кўрсатган улкан хизматлари эътироф этилгани билан чин дилдан табриклади.

**«Дунё» АА.**

**ЭНГ МУҲИМИ, МЕН БУ ГАПНИ ҚАЙТА-ҚАЙТА АЙТИШДАН ЧАРЧАМАЙМАН, АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАРИМИЗНИНГ НАТИЖАСИНИ ФУҚАРОЛАРИМИЗ АМАЛДА, ЎЗЛАРИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА АЛБАТТА СЕЗИШИ КЕРАК. НЕГА ДЕГАНДА, ОДАМЛАР ЭРТАГА ЭМАС, УЗОҚ КЕЛАЖАКДА ЭМАС, БУГУН ЯХШИ ЯШАШНИ ИСТАЙДИ ВА БУНДАЙ ИСТАК ТАБИИЙ, АЛБАТТА.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## ХАЛҚ ДЕЙДИКИ...

*Ҳар бир инсон бахтли яшашга ҳақли. Бугун юртимизда кечаётган ислоҳотлар айни шу тамойилга асосланган. Янгиланишлар моҳиятида, авваламбор, инсон қадр-қиммати, шаънини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Биз "Халқ дейдики..." ва "Адолат шундай тикланади" номли махсус саҳифаларимиз орқали ана шундай янгиланишлар мазмун-моҳияти, самараларини оддий одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар мисолида, уларнинг дил сўзлари орқали ёритишни мақсад қилдик.*



*Газетамизнинг 2 ва 3-саҳифаларида шу мавзуга доир материаллар билан танишасиз.*



# ХАЛҚ ДЕЙДИКИ...

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак».

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



БУНЁДКОРЛИК

## СУВ МЎЙНОҚҚА ЖОН БАХШ ЭТДИ



Орол денгизининг тўрт томони чўл. Унинг қуриб бориши умидимизни ҳам сўндира бошлаганди. Денгиз шу ерлик одамларнинг насибаси эди. Ҳаммаёқ туз билан қопланди. Ҳайвонот олами қирила бошлади. Гиёҳлар унмай қўйди. Бундан энг кўп жабр чеккан — биз, Мўйноқ аҳолиси!

Ичишга яроқли сувимиз бўлмагач, яхши яшаб бўлармиди?!

Давлатимиз раҳбари буни ич-ичидан ҳис қилди. Куйинди. Ташвишга тушди. Ҳамма раҳбарларни оёққа турғазди. Маблағни аямади. 2017 йилнинг 1 июлида туманимизга зилол сув келди. Атиги беш ойда! 101 километр узунликдаги қувурлар орқали! Уйимизга бахт кириб келгандек қувондик!

Бугина эмас! Энди туманда экологик муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Ўрмонзорлар яратилмоқда. Янги-янги иш ўринлари очишга киришилган. Мақсад битта: Оролбўйи аҳолиси ҳаётини яхшилаш! Буни одамларимиз ҳам тушуниб етди. Президентимиз уларни ҳам ҳаракатга келтира олди. Дунёқарашимиз ўзгаряпти.

Ўзим ҳам бундай ислоҳотлардан четда туришни истамадим. Туманимиз марказидан 50 километр олисда жойлашган Порлитов қишлоғида кичкинтойлар учун боғча очишга киришдим. Тез орада у фойдаланишга топширилади. Имконият бор экан, бундан фойдаланишимиз керак.

Асосийси, ўзгаришлар энг чекка ҳудудларга ҳам кириб боряпти. Тўғри, Орол чекиняпти. Энди одамлар кўнглига умид, ишонч қайтяпти. Бунда эса ҳикмат кўп!

**Улбосин АРТИҚОВА,**
**Мўйноқ туманидаги «Жайҳун» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли.**

*Мўйноқда амалга оширилган ушбу ҳаётбахш лойиҳа натижасида* ***25 минг*** *нафардан зиёд кишилар марказлашган тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. Бунинг учун умумий қиймати* ***26,6 миллиард*** *сўмлик бунёдкорлик юмушлари сифатли ва ўз вақтида уддаланди. Ушбу инфратузилма туман аҳолисига бир кеча-кундузда* ***7 минг*** *куб метр сув етказиб бериш қувватига эга.*

*Келгусида биргина Мўйноқ туманининг 6 та аҳоли пунктидаги* ***826 та*** *хонадонга обиҳаёт олиб кириш режалаштирилган. Бундай ислоҳотлар Оролбўйи минтақасининг бошқа кўплаб манзилларини ҳам қамраб олади.*



КЛАСТЕР САМАРАСИ

## ЕР ЎША-ЎША, ДАРОМАД ЭСА МЕҲНАТГА ЯРАША...



Аввал номим фермер эди-ю, лекин асосий вақтим далада эмас, югур-югур билан ўтарди. Ҳали ўғит, ҳали ёнилғи келтир, идорага бор, банк ишлари... Маблағ етишмаслиги туфайли ишчиларга вақтида маош беролмаслигимизни айтмайсизми?! Иложсизликдан иш ҳақини натурада, ғалла, ҳатто, сомон билан тўлардик. Экин майдонларидан томорқа ажратиб беришимиз ҳам айни шу каби муаммолар билан боғлиқ эди.

Мана, салкам бир йилдирки, кластер тизимида ишлаяпмиз. Ер ўша-ўша. Аммо афзалликлар бутунлай бошқача. Дейлик, ишчиларимиз иш ҳақларини ойма-ой, керак бўлса, кунма-кун олиб туришибди. Яна йўлкира, овқатланиш учун харажат қилишмайди. Буларнинг барчаси замонавий тизим туфайли.

Муболаға эмас, авваллари пахта йиғим-теримида ҳашарчи излаб пойабзалимизнинг таги едирилиб кетарди. Бу йил ундай бўлмади. Манфаатдорлик яхшилиги учун чигит экишдан ҳосил тайёр бўлгунча ҳамма иш жой-жойида, вақтида бажарилди. Масалан, ғўза парвариши пайтида гектарига 20 минг, ёзги суғоришда 35 минг сўмдан маблағ тўланди. Шу кунларда берилаётган яхоб суви учун эса гектарига 50 минг сўмдан иш ҳақи белгиланган. Очиғи, фермер хўжалиги шароитида бундай маош бериш амримаҳол эди. Устига-устак, кластерда етиштирилган пахта тайёр маҳсулотга айлантирилгач, ундан ҳам улуш тегади. Қаранг, қандай зўр!

Давлатимиз раҳбари тўлиқ кластерга ўтамиз, деганларида, бу қандай тизим экан ўзи, дея ўйланардик. Ўшанда бу биз учун янгилик эди-да. Энди тушуняпмизки, соҳанинг эртанги куни кластер билан боғлиқ экан. Ҳали кўрасиз, шу орқали юртимиз ҳам, одамларимиз ҳам бойиб кетади.

**Улуғбек СУЛАЙМОНОВ,**
**Мирзаобод туманидаги «Бек кластер» қўшма корхонасининг 17-бригадаси бошлиғи.**

*Бу йилги мавсумда ғалла етиштирадиган фермерларга* ***1 триллион 33 миллиард*** *сўм ёки ўтган йилдагига нисбатан* ***142 фоиз****, пахтачилик хўжаликларига эса* ***5 триллион 138 миллиард*** *сўм ёки ўтган йилдагига нисбатан* ***2,4 марта*** *кўп имтиёзли кредитлар ажратилгани соҳа ривожига юксак эътибор намунасидир.*



МАЪНАВИЯТ

## ЯХШИ ФАРЗАНД ОТА-ОНАСИНИ ТЎРГА ЧИҚАРАРКАН

Халқимиз "Яхши фарзанд ота-онасини тўрга чиқаради" деган гапни бежиз айтмаган экан. Ўғлим Иброҳимжоннинг орқасидан биз ҳам раҳмат эшитиб, эъзозу эътибор кўриб юрибмиз.

Давлатимиз раҳбари ёшлар кўпроқ китоб ўқиши керак, деб бот-бот таъкидлаяпти. Уларни қизиқтириш учун жуда кўп танловлар, беллашувлар ўтказилмоқда. Чунки мутолаа орқали бола илм ўрганади, дунёқараши кенгаяди, оқу қоранинг фарқига боради, ёмон йўлларга юрмайди.

Иброҳимжон ҳам барча болалардек эртаклар эшитиб катта бўлди. Устозлари туфайли Навоий ижодига меҳр қўйди, ғазалларини астойдил ёд олди. Ўзи ҳам ижодкорга айланди. Қарангки, улуғ бобомиз таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан ўтказилган II анъанавий халқаро конференция доирасидаги танловда муваффақиятга эришиб, Президент совғаси — "Spark" автомобили билан тақдирланди. Буниси, рости, тушимизгаям кирмаганди. Давлатнинг болаларга эътибори бўлса шунчалик бўлади-да. Бундан беҳад қувондик.

Бу йил унутилмас воқеаларга бой бўлди. 2 март куни Хатирчи туманидаги фаоллар залида ўтказилган йиғилишда Юртбошимиз Иброҳимжон билан суҳбатлашди. Ўша самимий мулоқот орқали давлатимиз раҳбарининг ёшларга меҳри нақадар юксак эканини яна бир карра чин дилдан ҳис қилдик. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Президентимиз Фармони асосида "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланганлар сафида ўғлим ҳам борлигини кўриб, кўзимга ёш келди. У, албатта, бу ишончни оқлайди.

Иш кўп, вақт йўқ, демасдан оиламиз билан доим китоб ўқишга имкон топамиз. Ўзаро баҳс-мунозара, савол-жавоб қиламиз, мушоҳада юритамиз. Биз учун бу анъанага айланиб қолган. Юртимизда китобхон оилалар, ёшлар кўпаяверсин. Ана шунда эзгу ишлар кўлами ҳам кенгайиб бораверади.

**Қобилжон АБДУЛЛАЕВ,**
**«Навоийазот» АЖ машинисти.**



*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган* ***«Ёш китобхон»*** *танловида иштирок этиш мақсадида бу йил* ***720 минг****га яқин ёшлар мурожаат қилди. Улардан* ***42 нафари*** *ижодий беллашувнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Якуний босқич ғолиблари Президент совғаси —* ***«Spark»*** *автомобиллари билан тақдирланди.*

БЎЛАРКАН-КУ!

## ХОРАЗМДАН ТОШКЕНТГАЧА...



Ўн йилдан бери микроавтобус ҳайдайман. Даромадим шундан. Хоразмдан Тошкентга йўловчи ташийман. Йўлда юришнинг машаққатлари кўп. Бунинг устига, масофа ҳам узоқ — минг километрдан зиёд. Авваллари ҳатто 20 соатлаб йўл босардик. Манзилга етгунча тоқатимиз тоқ бўларди.

Айниқса, Хоразмдан Бухорогача бўлган оралиқда тезликни соатига 30 — 40 километрдан ошира олмасдик. Уйдим-чуқур йўлда бундан ортиқ юриб бўлармиди? Машинани тутдай тўкади. Йўловчигаям оғир. Ўзимизни-ку қўя туринг, Европага кириб-чиқувчи турнақатор машиналар карвони-чи? Мутасаддилар, ҳеч бўлмаса, шуларни ўйлаганмиди? Ора-сирада уч-тўрт машина шағал билан "хўжакўрсин"га ямалганини айтмаса, шундай катта аҳамиятга эга йўл йиллар давомида носоз ҳолда ётди. Қанчадан-қанча транспорт ҳодисаларига дуч келмадик. Бошқа жойлардаги аҳвол ҳам бундан дуруст эмасди. Буям камдек, Тошкентдан Хоразмгача 17 та блок-постдан ўтишга тўғри келарди. Беҳуда 2 соатдан кўп вақт йўқотардик. Асаблар таранг бўлишини-ку айтмай қўя қолай.

Катта-катта муаммолар қатори ана шу масала ҳам Президентимиз назаридан четда қолмаган экан. Мана, қилса бўларкан-ку! Йўлларимиз ҳам бинойидек бўлиб қолди! Ён-атрофиям анчайин обод. Нокерак жойлардаги блок-постлар олиб ташланди. Манзилга аввалгидан 3-4 соат эртароқ кириб боряпмиз. Халққа осон бўлгани шу-да! Ҳадемай Хивамиздан "Afrosiyob" ҳам қатнай бошласа, ана, кейин кўрасиз сайёҳлар кўпайишини! Бу ҳам катта бойлик, ахир!

Касбимиз тақозоси-да, йўловчилар билан гурунглашиб кетишга одатланганмиз. Ана шундай пайтда эл дилидаги ҳақиқий гаплар юзага чиқади. Бугун ҳеч иккиланмай айтаман: одамларимиз ислоҳотлардан рози. Ўзгаришлардан хурсанд. Ҳали янаям яхшироқ кунлар келишига ишончи қатъий! Аслида шуларнинг ўзи инсон учун бахт эмасми?!

**Нурулла ШАРИПОВ,**
**Хоразм вилоятидаги «Асл Жавоҳир Бек» масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси.**

ВАТАН — МУҚАДДАС, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧДИР!

## ОРЗУИМГА ЙЎЛ ОЧГАН УЧРАШУВ



Яқинда давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг Нукус гарнизонида бўлди. Ҳарбий хизматчилар билан мулоқот қилди. Улар сафида мен ҳам бор эдим.

Давлатимиз раҳбарига Термиз санъат коллежи "Академик вокал артисти" йўналишида ўқувчилик пайтим севиб ижро этган қўшиқларни — италиялик машҳур бастакор Капуанинг "Оссоломио" ("Менинг қуёшим") ва ўзимизнинг "Мафтун бўлдим"ни фортепианода куйлаб бердим. Ижроим Президентимизга маъқул бўлди, шекилли, марoқ билан тингладилар ва қарсак чалдилар...

"Келажакдаги мақсадинг нима?" деб сўрадилар. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблида ҳарбий хизматчи хонанда бўлиб, Ватанимга хизмат қилиш, деб жавоб бердим. "Консерваторияга ўқишга киришни истайсанми?" дедилар. Худди шундай, деб тасдиқладим. Давлатимиз раҳбарининг мазкур олий таълим муассасасига давлат гранти асосида ўқишга тавсия этишларидан қувончим ичимга сиғмади. Ҳаяжонимни тасвирлаб беролмайман. Биз, ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун чин дилдан раҳмат айтаман!

Ўша учрашувдан сўнг командирларим ота-онамга қўнғироқ қилишга рухсат беришди. Суюнчи оламан десам, улар аллақачон телевизордан кўриб бўлишган экан. Қариндошларим, ошна-оғайниларим, қўни-қўшнилар ҳам ота-онамни табриклашди. Дадам мен билан фахрланишларини айтганларида кўзимга ёш келди...

**Жамшид ҲИММАТОВ,**
**оддий аскар.**

*Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 майдаги қарорига кўра, ҳарбий хизматчилар фарзандлари учун республика олий таълим ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда қўшимча имконият яратилди.*

ТАШАББУС

## ХУДДИКИ МЎЪЖИЗА ЮЗ БЕРДИ



Яшириб нима қилдик, кўчамиздан машина ўтса, деворларимиз зир титрарди. Шунда бир куни уйимизнинг томи босиб қолмасмикан, деган хавотир билан яшаганимиз ҳам рост. Бундай ҳисоблаб кўрсам 15 йилдан бери бирор марта табиий газдан фойдалана олмабмиз. Ичимлик суви, электр энергияси таъминоти ҳам ачинарли ҳолатда эди. Ана шундай шароитда ўзимга ҳам уч фарзандни улғайтириш осон бўлгани йўқ.

Давлатимиз томонидан "Обод қишлоқ" дастури эълон қилинди-ю, худдики мўъжиза юз берди. Республика ишчи гуруҳи шароитимизни ўрганиб, Андижон шаҳридаги Мустақиллик номли кўчамиздаги уйларни қайта қуриш керак, деган хулосага келди. Шундан сўнг, борйўғи, 35 кун ичида 200 дан ортиқ хонадонлар учун 2 сотихли, уч хонали, барча шароитга эга бўлган ҳовли-жой бунёд этилди ва аҳолига бепул берилди. Мустақилликнинг 27 йиллиги номи билан аталган янги маҳалламизда стадион, гузар, мактаб, болалар боғчаси қурилишлари ниҳоясига етяпти. Хонадонимизда табиий газ, электр энергияси, ичимлик сувидан муаммо йўқ. Кўрамиз, ҳадемай, маҳалламизга ҳамма ҳавас қилади! "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари туфайли эса, эҳ-ҳе, ҳали қанча-қанча манзиллар обод бўлади.

**Муҳтарамхон АБДИХАЛИЛОВА,**
**Андижон шаҳридаги Мустақилликнинг 27 йиллиги маҳалласининг 2-тор кўчаси, 13-уйда истиқомат қилувчи уй бекаси.**

*Мамлакатимиз бўйлаб* ***«Обод қишлоқ»*** *дастури доирасида* ***417 та*** *қишлоқда ҳамда* ***«Обод маҳалла»*** *дастури доирасида* ***105 та*** *маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.*

ДАВЛАТ ДАСТУРИ МЕВАЛАРИ

## ҲАЁТДА ЎЗ ЙЎЛИМИЗНИ ТОПГАНИМИЗДАН ХУРСАНДМИЗ



Инсоннинг табиати шундай: бирор-бир жиддийроқ ишга қўл уришдан аввал иккиланади, минг хаёлга боради, эплай олармиканман, дея хавотирланади. Мен ҳам тадбиркорликка астойдил қизиқдим-у, биринчи қадамни босишим қийин кечди. Яъни аниқ қарор қабул қилолмай обдан ўйландим. Биласиз-ку, бизнес шунчаки қизиқиш билан бўладиган иш эмас. Пухта режа, маблағ керак. Кредит олсангиз, уни вақтида қайтариш бор. Эртага маҳсулотни қандай сотишни ўйлайсиз, ходимларга маош тўлаш...

Мана шундай ўйлар билан юрган вақтимда "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури эълон қилинганини эшитдим. Президентимизнинг бу борадаги Фармонини ҳижжалаб ўқиб чиқдим. Биз, ёшларга жуда катта имтиёзлар яратилганини билиб, ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Энди вақти келди, дедим-у мебель ишлаб чиқариш бўйича бизнес-лойиҳамни тайёрлаб, жамғармага ҳужжатларимни тақдим этдим. Банкдан 337 миллион сўм кредит берилди. 11 нафар ишчи олдим. Ҳаммаси — ёшлар. Дарров замонавий ускуналар харид қилдик.

Корхонамизда мебеллар тўпламлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Улар чидамлилиги, сифати, замонавийлиги билан хорижникидан сира қолишмайди. Нархлари ҳам ҳамёнбоп. Баъзида маҳсулотларимизни кўргани келганлар "Булар қайси давлатники?" деб сўраб ҳам қўйишади. "Ўзимизники!" десак, аввалига, ишонишмайди. Мебелни синчиклаб кўриб, ушлаб-ушлаб қўйишади. Мақтанишга йўйманг-ку, "Қойил!" деганлари ҳам кўп бўлди. Мана шу баҳонинг ўзи биз учун жуда катта гап.

Жамоамиз аъзолари ҳам, уларнинг оилалари ҳам хурсанд. Бундан мен ҳам ич-ичимдан қувонаман. Ахир ҳаётда ўз йўлимизни топдик, рўзғорга ҳиссамизни қўшяпмиз. Кўз тегмасин, ҳали бу бошланиши. Насиб қилса, ишларимизни янада кенгайтирамиз. Даромадимиз ҳам шунга яраша ортади.

**Абдужамол ЧИННИБЕКОВ,**
**Чиноз туманидаги «Мебеллар уйи» хусусий корхонаси раҳбари.**

*Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосида жорий йилнинг август — декабрь ойларида республика бўйича* ***3009 нафар*** *ёш тадбиркорнинг* ***374,2 миллиард*** *сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди. Шунингдек, Давлат дастурида режалаштирилган "Yoshlar mehnat guzari" комплексларидан 98 таси ҳамда "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказларидан 14 таси фойдаланишга топширилиб, уларда жами* ***31,6 мингта*** *иш ўрни яратилди.*




# АДОЛАТ ШУНДАЙ ТИКЛАНАДИ




Теран томирлар азалий қардошликдан сув ичади.

ЭЪТИБОР

## ЖАМИЯТГА КЕРАКЛИГИНГНИ ҲИС ЭТИБ ЯШАШ — КАТТА БАХТ

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётганимга 46 йил бўлди. Мана, бир неча йилдирки, пенсияда бўлсам-да, фаолиятимни давом эттиряпман. Жамоамиз, айниқса, ёш мутахассислар тажрибам ва малакамни жуда қадрлашади.

Ростини айтсам, кўп йил ишлаб фахрийликка чиқсанг-у, пенсия пулингни тўлиқ ололмасанг, шу тўғримикан, деган савол, ўй-фикр кўнглимдан ўтиб юрарди. Ахир моддий рағбат ҳам инсон меҳнати қадрининг энг муҳим мезони-да. Шукрки, энди бизни қийнаб келган ана шу масала ҳам адолатли ечим топди. Айни вақтда бу ғамхўрлик мен каби пенсионерларни юртимизда кечаётган ислоҳотларда янада фаол иштирок этишга илҳомлантирди.

Энди иш ҳақим ва тўлиқ оладиган пенсия пулимни қўшиб ҳисобласам, ойлик даромадим рўзғорга ҳам, кексаликдаги борди-келди дейсизми, саёҳатми — барчасига етади. Муҳими, юксак эътибордан кўнглимиз шод бўлди. Буни мен каби пенсионерлар жуда яхши ҳис қилишади.

**Ғайрат ТИНЧЛИКОВ,**
**Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланадиган бўлди.*

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДАГИ УЗИЛИШЛАРГА «ЎЗБЕКЭНЕРГО» НИМА ДЕЙДИ?

Мамлакатимизнинг олис ҳудудлари бўйлаб электр энергияси таъминотида турли муддатли узилишлар учраётгани сир эмас. Ижтимоий тармоқлар ҳамда ахборот сайтлари орқали бу ҳақда кунда-кунора аҳоли мурожаатлари ва эътирозларини кузатяпмиз.

Очиғи, бундай узилишлар ва авариявий ўчишлар ҳар йили куз-қиш мавсумига ўтиш даврида такрорланиб туради. Хўш, бунинг сабаби нимада?! “Ўзбекэнерго” АЖ матбуот хизмати бунга ойдинлик киритди.

Маълум қилинишича, ҳозирги вақтда мамлакатимизда мавжуд энергетика қурилмалари ўтган асрнинг ўрталарида ишга туширилган бўлиб, уларнинг деярли 67 фоизи эскирган. Қолаверса, электростанциялар ҳам ўтган асрнинг 50 — 60-йилларида барпо этилган бўлиб, аксариятида қувватлар аллақачон муддатини ўтаб бўлган. Энг янгиси ҳисобланган “Тахиатош” ИЭСнинг ҳам фойдаланишга топширилганига 27 йилдан ошди. Аҳоли сонининг ортиб, ҳудудларда янги уйларнинг кўпайиши натижасида трансформатордан 1,5-2 км.гача узунликда электр симларининг тортилаётгани туфайли охирги истеъмолчиларга узатилаётган электр энергиясининг қуввати 220 вольтга етмаяпти. Трансформаторлар 600 — 800 метргача бўлган ҳудуддаги истеъмолчиларга 220 вольтни етказа олади. Бунинг устига аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Шу боис ҳудудий электр тармоқлари томонидан аҳолининг мурожаатлари бўйича ушбу ҳолатларни бартараф этиш, таъмирлаш ва юкламаларни фазалараро тенг тақсимлаш орқали кучланишни меъёрга келтириш ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда энергетика соҳасида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ҳамда янгиларини ишга тушириш бўйича лойиҳа қиймати 2,6 миллиард АҚШ доллари бўлган, умумий қуввати 1 984 МВт/соатга тенг 7 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланди.

**Ф. АБИЛОВ тайёрлади.**

*Узоқ йиллар мамлакатимизда истиқомат қилиб, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ва биз билан ватандош бўлишни орзу қилган*
***2 минг 528 нафар***
*шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.*



ТУЙҒУ

## АЙБСИЗ АЙБДОР БЎЛИШ ЖУДА ОҒИР

Айбдор бўлмай туриб, гуноҳкордек яшаш жуда оғир бўларкан. 1,5 йилга яқин вақт худди шундай азоб чекишимга тўғри келди. Бундан нафақат мен, балки 3 нафар фарзандим ҳам руҳан эзилди.

Ниҳоят, жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди томонидан ушбу масала адолатли равишда кўриб чиқилди. Менга нисбатан оқлов ҳукми эълон қилинди. Ҳаётимдаги ана шу воқеа мисолида судлар “адолат қўрғони”га айланиб бораётганига амин бўлдим.

Ўша дамдаги хурсандчилигимни сўз билан таърифлаб беришим қийин. Томоғимга нимадир тиқилган, кўзларимдан шашқатор ёшлар оққан ҳолда, хаёлимда битта фикр гир айланарди: “Бўларкан-ку! Адолатли ҳукм чиқариш мумкин экан-ку!”

**Гулнора АКРАМОВА.**
**Олмазор тумани**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## ЭНДИ УЙИМ, ИШИМ, МАҚСАДИМ БОР!



Пешонамда бор экан, 10 ёшимда дарахтдан йиқилиб, икки оёғим ишламай қолган. Шу-шу, ўзим мустақил юролмайман.

Яқинларимнинг далдаси тиргак бўлди. Онажоним меҳриниям, вақтиниям аямади. Чеварликни у кишидан ўргандим. Шу билан, озми-кўпми, овунаман, бирмунча даромад ҳам топяпман.

Бундан икки йил аввал биздек кўнгли ўксик инсонларга уйлар берила бошлаганини эшитиб, бир хўрсиниб қўйгандим. Ота уйимда ўзимни ҳеч бегонадек сезмаганман. Лекин уч оила бир ҳовлида яшаса, барибир ўзингни ноқулай, ҳатто айбдордек ҳис қилар экансан.

Кўп ўтмай, бизнинг эшигимизни ҳам тақиллатиб келишди. Наманган вилояти “Пахтасаноат” бирлашмаси вакиллари экан. Замонавий тикув машинасини совға қилиб кетишди. Хорижники! Ҳозир ўзларидан буюртма олиб, этак тикиб беряпман. Дурустгина маош тўлашяпти.

Яхши кунлар келса, қўша-қўша келаркан. Икки ой аввал туманимиз марказида қурилган кўп қаватли уйдан икки хоналисини менга ҳам ажратиб беришди. Бошланғич бадали давлат томонидан тўланибди! Шароити зўр. Энди бировдан камим йўқ. Яйраб яшасам арзийди. Энди ўз уйим бор, ишим бор, мақсадим бор!

**Фотима ШЕРМАТОВА,**
**Тўрақўрғон туманида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони, «Жасорат» медали соҳибаси.**



МИННАТДОРЛИК

## ИМКОНИЯТНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Қилмиш-қидирмиш, деганлари рост. Ўйламай, ножўя қадам қўйиб, йўлдан адашдим, ўғрилик қилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдим.

Очиғи, панжара ортида ўтириб, қилган хатти-ҳаракатларимдан минг пушаймон бўлдим. Айнан шу ерда озодлик қадрини тўла англаб етдим. Ўғрилик жинояти сабабли эл-юрт орасида оила аъзоларим бошини хам қилганим учун ич-ичимдан азобландим.

Халқимиз бағрикенг. Ана шундай бағрикенглик ва инсонпарварлик мени ҳаётга қайтарди. Менга яна бир карра имкон берилди. Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги арафасида афв этилиб, оилам бағрига қайтдим. Озодликка чиқиб, уйга қайтар эканман, ўзимга ўзим “Энди ҳеч қачон жиноятга қўл урмайман, ҳаётда фақат тўғри йўлдан бориб, эл корига ярайдиган инсон бўламан”, деб сўз бердим.

Оилам, маҳалла-кўй мени илиқ кутиб олди. Дастлаб тиббий кўрикдан ўтдим, туман ҳокимлиги томонидан бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Ишга ҳам жойлашдим. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак!

**Шавкат ХЎЖАНОВ.**
**Жарқўрғон тумани**

*Юртимизда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг тасдиғини ўтган икки йилда* ***3 863 нафар****дан ортиқ шу тоифага мансуб инсонлар уй-жой билан таъминлангани, жорий йил охирига қадар уларга яна* ***1 521 та*** *янги замонавий уй топширилиши режалаштирилганлиги мисолида кўриш мумкин.*



*Бугун Ўзбекистонда нақд пул муаммоси деярли йўқ. Яқин-яқингача одамлар пластик карточкасидаги пулини нақдлаштириш учун* ***10, 20,*** *ҳатто* ***30*** *фоизгача устама беришга мажбур бўларди ва бу адолатдан эмасди. Мамлакат бўйлаб банкоматлар ўрнатилиши натижасида жамиятдаги яна бир ўткир масала ҳал этилди.*




ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ

## ОВОРАГАРЧИЛИККА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ



Сарсонгарчиликдан ёмони йўқ. Бу эшикка кирсанг, унисига, унисига борсанг, яна бошқасига жўнатаверса... Оқибатда кичик бир масалага ечим излаб, ойлаб идорама-идора овора бўлганингиз қолади. Ахийри ҳафсалангиз пир бўлиб, “Адолат борми ўзи?” деб ҳайқириб юборгингиз келади.

Бу ҳолатга аксарият юртдошимиз дуч келган, десам муболаға эмас.

Ўзимдан қиёс. 2016 йилнинг май ойи. Фарғона шаҳридаги 1 хонали уйимизни кенгроғига алиштиришга тўғри келди. Харидор-ку тез топилди. Аммо сотувгача бўлган ҳужжат тўплаш жараёни нақд азобнинг ўзгинаси эди. Солиқ, электр, газ, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, кадастр, паспорт столи, қўйингки, 10 га яқин идораларда икки ҳафтадан зиёд вақтимиз ўтди. Узундан-узоқ навбат, асаббузарликлар... Нотариусга боргунча шунча даҳмаза... Уйни олиб, янги манзилга кўчиб ўтсак, фарзандимни боғчага жойлагунча ўнга яқин муассасаларда бўш ўрин очилишини кутдик.

Яқинда 4 хонали уй сотиб олдик. Энди ҳаммаси ўзгарибди. Тизимда катта янгиликлар! Аввалги хонадонимизни қўшнимизга расмийлаштириб бердик. Давлат хизматлари агентлигида қисқа муддатда турли тўловлардан қарздорлигимиз йўқлиги ҳақида керакли маълумотномаларни беришди. Нотариусга тақдим қилдик. Ишимиз осонгина ҳал бўлди. Бир жойда юздан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилаётгани одамлар учун жуда катта қулайлик бўлибди. Давлат идоралари халқимизга хизмат қилаётганининг исботи шу эмасми?!

**Насиба ЮСУПОВА.**
**Фарғона шаҳри**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан мамлакатимиз бўйича* ***201*** *давлат хизматлари маркази ташкил этилди. Улар томонидан аҳолига жами* ***103*** *турдаги сифатли давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган. 2020 йилгача хизматлар турлари* ***160*** *дан ошиши кутиляпти.*



*Кейинги икки йилда судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича ҳам муҳим чоралар кўрилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида* ***1 минг 881*** *жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди, судлар томонидан* ***590 нафар*** *шахс оқланди. Ваҳоланки, бу рақам 2016 йилда, бор-йўғи,* ***28 та****ни, 2017 йилда эса* ***263 та****ни ташкил этган эди.*

*Жазони ўтаётган* ***3 минг 333 нафар****, жумладан, фаолияти ман этилган ташкилотларга кириб қолган* ***646 нафар*** *маҳкум афв этилиб, оиласи бағрига қайтарилди.*

*Дунёдаги* ***39 та*** *мамлакат фуқароларига виза бериш тартибининг соддалаштирилгани, электрон виза тизими жорий қилингани натижасида юртимизга бу йил қарийб* ***4 миллион*** *хорижлик сайёҳлар ташриф буюрди.*




Суратлар «Халқ сўзи» фотоархивидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2019 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ҲАМДА 2020-2021 ЙИЛЛАРГА БЮДЖЕТ МЎЛЖАЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда давлат мақсадли жамғармаларини тугатиш ва ўтказиш ишларини ташкил этиш, уларнинг активлари ва мажбуриятларини хатловдан ўтказишни ва қабул қилиш-топширишни амалга ошириш, шу жумладан, қарзларни ундириш ёки умидсиз қарздорликни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифлар киритиш учун тугатиш комиссиясини ташкил этсин.

28. Белгилансинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақаларни тўлаш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йил 1 январь ҳолатига пенсияларни тўғри тўлаш бўйича текширишлар натижасида аниқланган фуқароларга ортиқча тўланган пенсия суммаси қолдиқларини ҳисобдан чиқарсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида бюджет маблағлари олувчиларга бюджет маблағлари ажратишни аввал ажратилган маблағларнинг амалда ўзлаштирилишига қараб амалга оширсин.

Белгилансинки, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқ бўлмаган тўловлардан ажратмалар меъёрларини ўзгартириш, шунингдек, янги турдаги ажратмаларни жорий этиш келгуси йилнинг бошидан амалга оширилади.

30. Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тугатилсин.

Белгилансинки, Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармасидан аввал ажратилган маблағлар ва унинг қолдиқлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши шарт.

31. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2019 йил 1 мартдан бошлаб вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджет маблағлари тақсимловчилари бюджетдан ажратилган маблағлар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланиш, ўтказилган танлов (тендер)лар ва сотиб олинган товарларни етказиб бериш ҳақидаги тегишли ахборотни ўз расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

32. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йил мобайнида қатъий белгиланган купон ставкасида 5 йил ва ундан ортиқ муомала муддатига эга бўлган 500 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган суммада Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини чиқарсин ва жойлаштирсин;

2019 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда айрим бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар фаолиятини тўлиқ ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш борасида ўрганишларни амалга оширсин;

2019 йилдан бошлаб ноль ставкани қўллаш натижасида юзага келган қўшилган қиймат солиғи бўйича ортиқча суммани қайтаришни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини ушбу суммага камайтирган ҳолда амалга оширсин.

33. 2019 йил 1 январдан бошлаб 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар, бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши бўйича нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам миқдорлари 25-иловага мувофиқ белгилансин.

34. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ва манфаатдорлигини кучайтириш, уларнинг даромадлар бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятларини ошириш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар:

а) қуйидаги даромадлар:

жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (электр станцияларидан ташқари), ягона ер солиғи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғимлар, бозорлардан тушадиган даромадлар, шунингдек, 26-иловага мувофиқ айрим норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари, қонунбузарликларнинг айрим турлари учун жарималар туманлар ва шаҳарлар бюджетларига;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимлаган ҳолда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ягона солиқ тўловидан ажратмалар, алкоголь маҳсулотлари, пиво, бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана реализациясига акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши;

б) қўшилган қиймат солиғи тушумларининг бир қисми (товарларни импорт қилишда олинадигани бундан мустасно), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бундан мустасно), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланадигани, шунингдек, норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида ушлаб қолинадигани бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ўртасида тақсимланиши;

в) бюджет ташкилотларини молиялаштиришни 27-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказиш;

г) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган солиқлардан (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи бундан мустасно) маҳаллий бюджетларга ажратмалар 50 фоиздан кам бўлган тақдирда, ушбу солиқлар бўйича даромадларнинг прогноздан ошириб бажарилишидан ҳосил бўлган маблағларнинг 50 фоизи маҳаллий бюджетларга қайтарилиши;

д) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига:

харажатларнинг етишмаётган суммасини алоҳида туманлар ва шаҳарлар бюджетларини режалаштиришда шаклланадиган ортиқча даромадларни Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимлаш ҳисобидан қоплаш;

қўшилган қиймат солиғи (импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солиқ бундан мустасно), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланадигани, шунингдек, норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида ушлаб қолинадигани бундан мустасно)нинг бир қисмини тегишли ҳудудларда қолаётган даромадлар доирасида йўналтириш;

даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган маблағлардан бир қисмини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказиш бўйича ваколатлар берилиши назарда тутилсин.

35. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилнинг январь ойида Марказий банк билан биргаликда 2018 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда ўтказилган операцияларни акс эттирган ҳолда унинг ижроси бўйича якуний операцияларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширсин, жумладан:

юқори ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро қарздорлик тўлиқ ҳажмда қопланишини назарда тутувчи бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш;

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармаси маблағларининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида акс эттирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатига ўзлаштирилмаган қолдиқларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида акс эттирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказиш.

36. Сув таъминоти ташкилотлари томонидан жалб қилинган халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари қарзлари ва кредитларининг қайтарилиши етишмаган қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари сув таъминоти ташкилотларининг молиявий ҳолатини қатъий назорат қилиш, уларнинг молиявий оқимлари устидан мониторинг олиб боришни таъминласин, кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча маблағларни ундириш чораларини кўрсин ва маблағлар етмаган ҳолларда, асосий қарз ва фоиз тўловларининг қопланмаган қисмини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари мавжуд бўлмаган ва қарздорликни тўлаш муддатлари келган ҳолларда қарздорлик ўз вақтида сўндирилмаслигига йўл қўйган сув таъминоти ташкилотларининг молиявий оқимлари устидан мониторингни таъминлаш бўйича таклифлар киритган ҳолда уларнинг халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари олдидаги қарздорлигини Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча даромадлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқи берилсин.

37. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2019 йил охирига қадар пенсиялар тайинланганлиги ҳолати ва уларнинг тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотномаларни бериш, шунингдек, кейинчалик Пенсия жамғармаси маълумотлар базаси билан интеграциялашувини амалга оширган ҳолда бола туғилганда бериладиган нафақа ва дафн маросими учун нафақалар тайинлаш юзасидан мурожаатлар бўйича давлат хизматлари кўрсатиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилишини таъминласин.

38. 2019 йил учун қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан мақсадли ижтимоий трансфертлар миқдорлари 28-иловага мувофиқ;

2019 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 29-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 30-иловага мувофиқ;

2019 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари миқдорлари 31-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

39. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар бюджет ташкилотларидаги мавжуд махсус қўриқлаш постлари сонини танқидий ўргансин ва уларнинг сонини мақбуллаштиришни назарда тутган ҳолда махсус қўриқланиши талаб этиладиган ташкилотларнинг янгиланган рўйхатини тасдиқласин.

40. 2019 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини 2018 йил учун белгиланган миқдорларда сақлаб қолган ҳолда 2019 йил 1 майдан бошлаб уларнинг миқдорлари 32-иловага мувофиқ белгилансин.

41. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармаларининг асосий параметрларини қуйидаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 62 500 миллиард сўм, харажатлари — 74 000 миллиард сўм миқдорида;

Пенсия жамғармасининг даромадлари 23 520 миллиард сўм ва харажатлари — 20 483 миллиард сўм миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари 3 807,6 миллиард сўм ва харажатлари — 3 807,6 миллиард сўм миқдорида.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида" 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сонли қарори 24-бандининг амал қилиши 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 33-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2019 йил 1 январдан 34-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

45. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

46. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 26 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ ЕТИШТИРИШДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ОИД КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Шу билан бирга, ишларнинг ҳақиқий ҳолати таҳлили қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахта хом ашёсини етиштиришда илмий асосланган агротехника тадбирларини амалга ошириш ва суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этишда жиддий қолоқликларга йўл қўйилаётганлигидан далолат бермоқда, хусусан:

биринчидан, томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш, мазкур технологияларни қўллаётган пахта хом ашёсининг ишлаб чиқарувчиларини, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимлари ва ушбу тизимларни бутловчи қисмлар билан таъминловчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари мавжуд эмас;

иккинчидан, юқори ҳосилдорликка, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эришишни таъминлайдиган, республиканинг тупроқ-иқлим ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишнинг илмий асосланган агротехника қоидалари мавжуд эмас;

учинчидан, замонавий томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, лойиҳалаш ва қуриш, пахта хом ашёсини етиштиришда маҳсулот сифатини назорат қилиш масалалари эътибордан четда қолмоқда;

тўртинчидан, томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланган ҳолда етиштиришга мўлжалланган навларни яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларининг, айниқса, ғўзанинг маҳаллий навлари селекцияси соҳасида илмий изланишларни жадаллаштиришга кучли зарурат мавжуд;

бешинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги техникаси, машина ва механизмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган;

олтинчидан, суғоришнинг сувни тежайдиган замонавий технологияларидан фойдаланиш ва илмий асосланган агротехника қоидаларини, шунингдек, илғор хорижий тажриба ва ноу-хауларни амалиётга жорий қилиш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимлари замонавий талабларга жавоб бермайди.

Сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг, айниқса, ғўза ҳосилдорлигини ошириш, шу асосда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар ғўза етиштиришда томчилатиб суғориш тизимини жорий қилишни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

ғўза етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларни амалга ошираётган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан тизимини жорий этиш, томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, томчилатиб суғориш йўли билан ғўза етиштириш соҳасидаги инновацион ғоялар, илмий тадқиқот ишланмалари, замонавий технологиялар ва илмий ютуқларни кенг жорий этиш;

республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим ва бошқа шароитларини ҳисобга олган ҳолда томчилатиб суғориш технологияларини қўллаш учун илмий-амалий ва услубий асосларини шакллантириш;

томчилатиб суғориш технологияларини қўллаган ҳолда пахта етиштиришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги техникаси, машина ва механизмларни, шунингдек, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

2. 2018 йилда "Иштихон Нурли Давр" (Иштихон тумани) ва "Мароқанд Кластер" (Нарпай тумани) фермер хўжаликлари ҳамда "PengSheng" ўзбек — хитой қўшма корхонаси (Сирдарё тумани) томонидан 200 гектардан ортиқ майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, бу усул ушбу майдонларда сувни икки баробар тежаш билан бирга, ҳар гектардан 40 — 45 центнергача, республика бўйича ўртача ҳосилдорликдан 1,5-1,7 марта юқори кўрсаткичга эришиш имконини берганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби белгилансин, унга мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига 8 миллион сўм субсидия тақдим этилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 миллион сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизли пункти миқдорида қопланади;

в) бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талаби пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилари томонидан томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига татбиқ этилмайди;

г) пахта хом ашёсининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари, шунингдек, томчилатиб суғориш тизими ишлаб чиқарувчилари томонидан олиб кириладиган, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва хом ашё 2021 йилнинг 1 январига қадар 1-иловадаги рўйхатга мувофиқ божхона божини тўлашдан озод этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳларни (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

а) ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

томчилатиб суғориш технологиясини жадал ва тўлиқ жорий этишда пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига ҳуқуқий ва ташкилий-техник ёрдам кўрсатиш;

томчилатиб суғориш технологияларини жорий этадиган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига сервис ташкилотлари ҳамда томчилатиб суғориш тизимини ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатли сервис хизмати кўрсатилишини ташкил этишни таъминлаш;

пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига, шу жумладан, томчилатиб суғориш тизимларини қуриш бўйича намунавий лойиҳаларни тақдим этиш орқали суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш услубларини ўзлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, шунингдек, пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш учун кредит олишда амалий кўмаклашиш;

сувни тежайдиган суғориш технологияларининг жорий қилинишини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини, жумладан, суғориш суви, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техник ресурсларни ишлатиш ҳажмларини қисқартириш кўрсаткичларининг тизимли мониторинг қилинишини ташкил этиш;

аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича тезкор чоралар кўриш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда маълумот тақдим этиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаменти ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи) ҳисобланади;

в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мувофиқлаштирувчининг ишчи органи ҳисобланади;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ишчи гуруҳларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

Белгилансинки, ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги "Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3939-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади.

5. 2019-2020 йилларда пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Мувофиқлаштирувчи:

а) бир ҳафта муддатда ишчи гуруҳлар таркибини тасдиқласин;

б) пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларининг мувофиқлаштирилган ҳолда фаолият юритишини таъминласин;

в) томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар ойда эшитиб борилишини таъминласин;

г) томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этиб борсин;

д) 2019 йил 1 ноябрга қадар:

ушбу қарорда назарда тутилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини қишлоқ хўжалиги экинларининг бошқа турларини ишлаб чиқарувчиларига ҳам татбиқ этиш;

2020 йил ва келгуси йилларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш тавсия этиладиган майдонлар, шунингдек, уларнинг аниқ рўйхати бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларининг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 йилда пахта хом ашёсини ишлаб чиқарувчиларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларини қоплаш харажатлари учун 120 миллиард сўм ажратилишини таъминласин;

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларининг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 2019-2020 йилларда мазкур қарорда назарда тутилган шартларда пахта хом ашёси ишлаб чиқаришда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш истагини билдирган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларининг аниқ рўйхатини шакллантирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" АЖ ва "Ўзкимёсаноат" АЖ билан биргаликда икки ой муддатда "Oltin Yo'l GTL" қўшма корхонаси ва "Шўртан ГКК" МЧЖ томонидан ишлаб чиқариладиган полимер хом ашёси базасида томчилатиб суғориш тизимларини (трубалар, шланглар, фитинглар, сув сақлаш сиғимлари, сув етказиб бериш ускуналари ва бошқалар) ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни таҳлил қилиш асосида иқтисодий самарадорликдан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятида томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи янги корхона ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига аниқ таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ихтисослаштирилган олий ўқув юртларининг тегишли таълим йўналишларида:

талабаларнинг тегишли амалиёт даврида сувни тежайдиган тизимларни қуриш ва фойдаланиш жараёни билан бевосита таништириб боришни назарда тутувчи суғоришда сувни тежайдиган технологияларни чуқур ўрганишларини;

профессор-ўқитувчилар таркибининг етакчи маҳаллий ва чет эл таълим ва илмий-тадқиқот институтларида суғоришда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш бўйича стажировка ўташини ташкил қилсин;

б) 2019 йил 1 мартга қадар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини жойларга чиққан ҳолда қисқа муддатли курслар шаклида суғоришнинг сувни тежайдиган тизимларидан фойдаланишга ўқитиш бўйича дастурларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда маҳаллий ва жаҳон илм-фани ва амалиётининг энг яхши ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда 2019-2020 йилларда томчилатиб суғориш учун мослаштирилган илдиз тизимига эга пахта навларини етиштириш агротехнологиясини яратиш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борсин.

12. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш. Р. Хамраев зиммасига — ҳудудларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, томчилатиб суғориш тизимларини қуриш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимларини қуриш ва сервис хизмати кўрсатиш бўйича пудрат гуруҳлари ташкил этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б. Т. Юсупов зиммасига — ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, томчилатиб суғориш тизимларидан фойдаланган ҳолда пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш ва машиналар ёрдамида йиғиб олиш технологик хариталарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига — холислик ва шаффофлик тамойилларига асосланган ҳолда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги юзасидан жавобгарлик юклансин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлигига ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини, шунингдек, 2019 йилда пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш жараёни ва натижаларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

14. Сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 декабрь

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6